

Урва ибн Зубайр розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобалари Ярмук куни Зубайрга:

«Бир ҳамла қилмайсанми, биз ҳам сен билан бирга ҳамла қилар эдик», дедилар.

Бас, у ҳамла қилди. У(душман)лар унга елкасидан иккита зарба бердилар.

Ўша икки зарба орасида Бадр куни олган зарбаси ҳам бор эди.

Урва:

«Мен кичкиналимда ана шу зарбалар(изига)га бармоқларимни тиқиб, ўйнар эдим», деди».

Бухорий ривоят қилган.

Ярмук Шомдаги жойлардан бирининг номи бўлиб, у ерда Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳунинг халифаликлари охирида румликлар билан мусулмонлар орасида дунё тарихидаги энг катта жанглардан бири бўлиб ўтган. Рум аскарига Моҳон Арманий бошчилик қилган. Ислом лашкари қўмондони Абу Убайда ибн Жарроҳ розияллоҳу анҳу бўлганлар. Ярмукда икки тараф орасида беш марта катта тўқнашув бўлган. Румликлардан бир юз беш минги қатл қилинган, қирқ минги асир олинган, мусулмонлардан тўрт минг киши шаҳид бўлган. Аллоҳ таоло Ўз лашкарига нусрат бериб, кофирларни мағлуб этган.

Ана ўша тарихий жангда ўзини кўрсатганлардан бири Зубайр ибн Аввом розияллоҳу анҳу бўлганлар. Ушбу ривоятда қайд қилинганидек, у киши мусулмонларга ўртак бўлиб, душман устига ҳамлани бошлаб берганлар. У киши Ярмук жанги давомида елкаларидан иккита жароҳат ҳам олганлар. Зубайр ибн Аввом розияллоҳу анҳунинг орт тарафларидан яраланганлари у кишининг чексиз жасоратлари ва душманларнинг ўта номардлиги аломатидир. Душманлар Зубайр ибн Аввом розияллоҳу анҳу билан юзма-юз келишдан қўрқиб, орқа томонларидан хоинларча зарба берганлар.

«Ҳадис ва ҳаёт» китобининг 23-жузидан олинди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2021 йил 24 августдаги 03-07/5165 рақамли ҳулосаси асосида чоп этилган.